

Nargiza SHOALIYEVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN, PhD, Senior Lecturer, Department of
Classical Literature and Origins, nargiza-shoaliyeva.iiau.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

**СУХРОБ СИПЕХРИЙНИНГ «نشانی»
(«МАНЗИЛ») ШЕЪРИДА АТТОРНИНГ
«МАНТИҚ УТ-ТАЙР» САЙРУ
СУЛУКНИНГ ЕТТИ БОСҚИЧИ**

**СЕМЬ ЭТАПОВ В ПРОИЗВЕДЕНИИ
«МАНТИК УТ-ТАЙР» («ПУТЕШЕСТВИЕ
ЛОГИКИ») АТТАРА В ПОЭМЕ СУХРОБА
СИПЕХРИ «АДРЕС»**

**SEVEN STAGES IN “MANTIC UT-TYRE”
 (“THE JOURNEY OF LOGIC”) BY ATTAR
IN SUKHROB SIPEHRI’S POEM “ADDRESS”**

Kalit soʻzlar: *Suhrob Sipehriy, manzil, sheʼr, ramz, timsol, irfon, ishq, abadiyat, mumtoz, adabiyot.*

Ключевые слова: *Сухраб Сипехри, адрес, стихотворение, символ, мистика, ирфан, любовь, вечность, классика, литература.*

Keywords: *Sukhrab Sipehri, address, poem, symbol, mystic, love, eternity, classics, literature.*

XX асрга келиб минг йил давомида форс шеърияти механизмини ҳаракатга солиб турган ирфоний шеърият ўз вазифасини ўтаб бўлгандек туюларди. Шу нуқтаи назардан, Сухроб Сипехрийнинг «янги шеър» йўлидаги ирфоний шеърлар билан адабиёт майдонига кириб келиши янги шеърият деганда кундалик ҳодиса ва воқеаларнинг ижтимоий баёни ёки янги ҳаёт ва янги даврни яратишга даъват этгувчи, шиорга ўхшаган шеърларни тушунишга тобора кўникиб бораётган адабий танқидчилик ҳамда, умуман, Эрон адабий жамоатчилиги учун кутилмаган воқеа бўлди. Сухроб Сипехрийнинг бу борадаги энг катта ютуғи унинг шеър формасини ўзгартиришида ёки ирфоний мавзуларни ҳинд ва япон фалсафий тафаккури билан бойитишида эмас, балки ирфоний шеърият доирасида янги поэтик тимсоллар ва янги маъно-мазмун силсиласини яратишида ҳам эди. Жумладан, Сипехрий «Яшил ҳажм» тўпламига киритилган «ین‌اشن» («Манзил») шеърида Шайх Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достонида келтирилган сайру сулукнинг етти босқичи – «етти водий»сини ўзига хос поэтик тимсоллар орқали ифодалайди. Агар Аттор «Мантиқ ут-тайр»да тавсифлаб берган водийлар – маъ-

С.Сипехрийнинг “Яшил ҳажм” тўпламига киритилган “Манзил” шеърида аскетизмнинг этти босқичи – Шайх Фаридууддин Атторнинг “Мантик ут тайр” достонида берилган “етти водий” ни ўзига хос тарзда изоҳлайди. Мақолада шоир шеъриятининг маънавий босқичлари – талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақр (қашшоқлик) ва фано (абдийлик) нинг қиёсий таҳлили келтирилган. “Манзил” шеъридаги сўфийнинг камолот йўлини шоир “дўст уйи” нинг изланиши сифатида изоҳлайди. Мантик ут-тайр»да етти водий орқали ўтадиган йўл қашшоқлик ва абдийлик водийсида тугайди. Аттордан фарқли ўлароқ, С.Сипехрийдаги камолотда йўл “абдийят” босқичида тугамайди. У даврий жараёндир. Ҳар сафар охирига етмасдан, ҳақиқат томон йўл янги шаклда бошланади.

В стихотворении «Адрес», вошедший в сборник «Зеленый объем» С.Сепехри по-своему трактует семь этапов аскетизма – «семь долин», которые приводятся в дастане Шейха Фаридууддина Аттара «Мантик ут-тайр» («Путешествие логики»). В статье приведен сравнительный анализ духовных этапов поэзии поэта – талаб (нужда), ишқ (любовь), маърифат (просвещение), истиғно (отрицание), тавҳид (единство), ҳайрат (потрясение), фақр (нищета) ва фано (вечность). Путь суфийского совершенства в стихотворении «Адрес» поэт толкуется как поиск «дома друга». В «Путешествии логики» путь через семь долин заканчивается в долине «бедность и вечность». В отличие от Аттара путь к совершенству у С.Сепехри не заканчивается на этапе «вечность». Он развивается циклично. Каждый раз, не достигнув конца, путь к истине начинается заново в новой форме.

In the poem «Address», which was included in the collection «Green Volume» by S.Sepehri, in his own way he interprets the seven stages of asceticism - the «seven valleys», which are given in the dastan of Sheikh Fariduddin Attar «Mantik ut-tyr» («Journey of Logic»). The article provides a comparative analysis of the spiritual stages of the poet's poetry - talab (need), ishq (love), marifat (enlightenment), isthiqno (denial), tawhid (unity), zairat (shock), fair (poverty) faqr fano (eternity). The path of Sufi perfection in the poem “Adress” is interpreted by the poet as a search for a “friend's house.” In “The Journey of Logic,” the path through the seven valleys ends in the valley of “poverty and eternity.” Unlike Attar, Sepehri's path to perfection does not end at the “eternity” stage. It develops cyclically. Each time, without reaching the end, the path to the truth begins anew in a new form.

навий-рухий сайру сулук босқичлари Сипехрий «Манзил» шеърида тавсифлаб берган «Дўст уйи» топиш йўлида учрайдиган «белгилар» билан таққосланиб, қиёсий таҳлил ва тадқиқ этилса, ўзига хос поэтик тафаккур ҳосиласига хос бўлган манзара ҳосил бўлади:

Талаб – «Мантик ут-тайр»нинг йигирма тўққизинчи мақоласида Худхуд бошчилигида Семурғни топиш учун йўлга тушган қушлардан бири ундан сўрайди:

Ваҳму заҳматларга тўлмиш бу тариқ;

Неча фарсангдир бу йўл, айт, эй рафиқ? [1; 282 б.]

Худхуд қушнинг саволига шундай жавоб беради:

Деди: йўлда етти водий дуч келур,

Етти водийдан кейин даргоҳи нур.

Кимса бу йўлдан бораркан қайтмамиш,

Қайтмамишим, неча фарсанг, айтмамиш. [1; 283 б.]

С.Сипехрий шеърида сафарга чиққан қушлар ўрнида «отлик» ва Худхуд ўрнида «йўловчи» тимсоллари келтирилади. «Отлик» «йўловчи»дан «манзил» (дўстининг манзили)га қандай қилиб етиш мумкинлигини сўрайди:

«خانه دوست کجاست؟»

در فلق بود که پرسید سوار.

آسمان مکنی کرد. [2; 358 б.]

«Дўст уйи қайда?»

Тонготар пайтида сўради отлик.

Осмон бир нафасга қотиб қолди [3; 162 б.].

«Отлик» – «куш»нинг «йўловчи» – «Худхуд»дан сўраган саволи оддий бир савол эмас эди. Бу шундай бир савол эдики, осмон – илоҳиёт оламини бир зумда бўлса-да, ҳаракатдан тўхтатишга қодир эди. Чунки бу савол бевосита «дўст» – «симурғ», яъни «Ҳақ» (Яратган)нинг даргоҳи билан боғлиқ эди:

رهگزر شاخهء نوری که به لب داشت، به تاریکی شن ها بخشید

و به انگشت نشان داد سپیداری و گفت: [2; 359 б.]

Ва йўловчи қўрсаткич бармоғи билан оқ теракни қўрсатиб деди.

Бу ерда «оқ терак» дарахти талаб мақомининг поэтик тимсоли сифатида қўлланилган. «Талаб» сўфийларнинг истилоҳида матлуб (талаб этилгувчи, мурод, мақсад)ни изламоқдир. Аслида «матлуб» толиб (излагувчи)нинг вужудидадир. У матлубни ўз вужудидан қидирмоғи лозим, акс ҳолда, уни топмаслиги мумкин [4; 553 б.].

«Оқ терак»нинг баландлиги «талаб»нинг қўл етмас бир мақсад эканлигига ишора бўлса, унинг сарвдай тик ва тўғри ўсиши «талаб» йўлининг тўғрилигини англатади. Дарахтнинг оқлиги эса «талаб» мақомида қалб ва ниятнинг пок бўлиши шартлигини билдиради. Аммо шеърнинг давомида шоир «талаб»нинг иккинчи поэтик тимсолини яратади. Бу поэтик тимсол «кўчабоғ»дир.

«Кўчабоғ» ўзбек тилида «ҳиёбон», «сайлгоҳ» маъносини билдиради. Аниқроқ айтганда, «кўчабоғ» – кўча четида жойлашган ям-яшил боғ. «Оқ

терақ» дарахти ҳам ана шу боғда ўсган, аммо у хиёбоннинг охирида жойлашган.

نرسیده به درخت
کوچه باغی است که از خواب خدا سبز تر است
و در آن عشق به اندازه پره‌ای صداقت آبی است. [2; 359 б.]

«Дарахтга етмасдан,
Худонинг уйқусидан ҳам яшилроқ
бир хиёбон бор.
Унда ишқ
Садоқатнинг қанотлари ҳажмида кўм-кўк-
дир».

Шоир «хиёбон» – «талаб» мақомининг икки сифатини келтиради: яшиллик ва ишқ. Яшиллик – ёшлик, навқиронлик, поклик, баҳор рамзи. «Ёшлик» ҳам, «баҳор» ҳам мақомотнинг бошланиши, ибтидоси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан «кўчабоғ»ни, яъни «хиёбон»ни иккиланмасдан «талаб»нинг поэтик тимсоли деб аташ мумкин [5; 264 б.].

Шундай қилиб, шоир юқоридаги тўрт мисрада талаб мақоми билан боғлиқ тимсоллар ва тасвирлар орқали бу водийнинг ўз талкинидаги манзарасини чизиб беради. Сўзларнинг (дарахт – оқ терақ – хиёбон – яшил – кўм-кўк; ишқ – дарахт; садоқат – куш; куш – қанот; қанот – ҳажм) ўзаро маънавий мутаносиблиги (таносуб санъати) эса шоир мақсадининг янада теранроқ ифода этилиши учун хизмат қилади.

Ишқ – Фаридиддин Аттор «Мантик ут-тайр»ида иккинчи (мақом) водийси:

Сўнгра ишқ водийси очгайдир варақ,
Унга етганлар бўлур оташга гарқ [1; 292 б.].

Суҳроб Сипехрий ҳам «Манзил» шеърида ирфоний идеал – «Дўст уйи»ни топиш йўлидаги иккинчи белги ёки нишона – «ишқ»нинг янги поэтик тимсолини яратади: бу «балоғат» (комиллик) орқали ифодаланди:

می روی تا تی آن کوچه که از پشت بلوغ، سر بدر می آرد. [2; 359 б.]

Комилликдан ўтадиган кўчагача боргайсан.

Форс шеърияти, айникса, форс ирфоний шеъриятида «ишқ» истилоҳининг поэтик тимсоллари жуда кўп: шароб (май, бода), давлат, неъмат, афсона, гулшан, оташ, кимё... Аммо С.Сипехрий «ишқ»ни «балоғат» ёхуд «комиллик» деб атайди. Бошқача айтганда, шоир «балоғат»ни «ишқ»нинг истиораси сифатида келтиради. Сипехрий бир умр «абадиятга етиш» иштиёқи билан яшади ва шеърларида ҳам ана шу дардни қуйлади. Бу дард ишқнинг маҳсули эди, шунинг учун ҳам фақат ишқ унга малҳам бўла оларди. Бошқача таъбир билан айтганда, «шоирга куч-қувват бағишлаган, уни мангулик ва интиҳосизликка етказган нарсанинг ўзи ҳам «ишқ» эди» [6; 59 б.].

Сипехрий нигоҳида «ишқ»нинг ўзи «балоғат» ва «комиллик»дир. Чунки бу тушунчада барча нарсаси мужассамлашган: гўзаллик, нафосат, поклик, озодалик, мусаффолик, эзгулик, бахт-саодат, куч-қудрат, жасорат, матонат, вафодорлик, садоқат, ҳиммат, саховат, меҳр-оқибат...

Аттор «Мантик ут-тайр»да («Ишқ водийси») «ишқ»ни «оташ» деб атайди. Унинг назарида, ана шу оташдан кўркмаган кишигина ошиқ бўла олади. Бутун вужуди ва борида кечган кишигина бу водийдан саломат ўта олади [1; 229 б.]. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг нигоҳида бутун борлик ва коинотни ҳаракатга келтирувчи куч ҳам, барча касалликлар ва иллатларнинг давоси ҳам, Тур тоғининг жони ҳам «ишқ»дир:

Эй омон бўл, ишқ – ажиб савдойимиз,
Эй ҳақими ҳозиқу донойимиз!
Эй давоийи нахвату номусимиз,
Эйки Афлотун ва Жолунусимиз!
Ишқ ила тан сойири афлок эмиш
Рақс этиб тоғлар, кўринг, чолок эмиш,
Ишқ Тур тоғига жондир, ошиқо
Тур масту харра Мусо сойқо [7; 18 б.]...

Хуллас, «ишқ» тушунчаси форс мумтоз ва замонавий шоирлари ижодида энг кўп ишлатилган, энг кўп таъриф ва талқин этилган тушунча. Аммо «ишқ» сўзи С.Сипехрий ижодида энг кам учрайдиган сўз [8; 285 б.]. Сипехрий бу сўзни ишлатмасдан туриб «ишқ» ҳақида сўйлайди [8; 286 б.]:

Бир куни келгум
ва салом келтиргум.
Томирларга қуйгум нур
ва айтгум: Эй саватларингиз уйқуга тўлганлар!

Олма олиб келдим,
Қуёшнинг қизил олмаси!
Бир дона ёсуман гулини
Гадога бергум.

Чўтир юзли гўзал аёлга
тақдим этгум янги сирга.

Сўқирга айтгум: нақадар ажойиб боғнинг чиройи!

Бетайин бир дайди бўлгум
Кўча-ю кўйларда тентираб юргум.
Бонг ургум: Эй шудринг, шудринг, шудринг!
Йўловчи айтгай: чиндан ҳам қоронғу бир тун.
Унга бахш этгум Дубби Акбарни.

Неки ҳақорат бор, барин
Юлиб олгум лаблардан.

Ҳар қандай тўсиқни ўртадан кўтаргум.

Қароқчиларга айтгум: Табассум юкланган қарвон келмоқда!

Булулларни тарқатгум.

Қамаштиргум кўзларни қуёшга,

Қалбларни ишққа, шохларни елларга тўлдир-
гум.

Қалдирғочлар куйига

Қориштиргум гўдак уйқусин.

Варраклар учиргум осмонга

Сув қуйгум гулдонга.

Мен келгум, отларни, сизирларни суямоқнинг
ям-яшил

майсаси билан силагум.

Суғорилмай ётган сизирга

Челак тўла шудринг ташигум.

Ҳеч кимга кераксиз қари эшакнинг

Кўриб қўйгум чивинларини.

Ҳар бир девор устига чиққум,

Михча гулларни экиб қўйгум.

Деразалар тагида туриб

Шеърлар ўқиғум.

Ҳар бир ола қарғага бир арча бергум.

Илонга айтгум: қурбақалар на қадар гўзал!

Яраштиргум,

Ошно қилгум.

Йўл босгум,

Нур егум,

Севгум!

«Йўл-йўлакай салом» [2; 285 б.] деб номланган бутун бошли шеър ишқ руҳи билан суғорилган. Бу шеър сипехриёна ишқнинг ёрқин намунасидир. «Ишқ» мартабаси (ёки Аттор таъбири билан «водийси»)га етган ошиқ табиат ва борлиқдаги ҳар бир мавжудот, ҳар бир ашё ва ҳар бир ҳолатни, у гўзал бўладими ёки жирканч, у яхши бўладими ёки ёмон, барибир севади. Улар учун ҳеч нарсани аямайди, неки яхшилиқ ва сахийлик бўлса, барчасини уларга ҳадя этади, бир-бирига зид бўлган мавжудотларни яраштиради ва натижада, уларни ҳам «ишқ» йўлига ҳидоят этади. Юқоридаги шеърда фақат бир марта «ишқ» ва бир марта «севмоқ» сўзи келтирилган. Аммо шеър мазмунидан англашилган руҳият, хиссиёт, юрак ўртаниши ва унинг нимагадир кучли интилиши айнан сўз мана шу қалб ҳарорати, унинг саъй-ҳаракати, унинг меҳнати эканлигини билдириб туради. Айнан «ишқ» инсонни ҳаракатга йўналтиради, айнан «ишқ» инсонни яшашга ундайди, айнан «ишқ» унинг комиллиги мезони бўла олади. С.Сипехрий кейинчалик ўзининг «Йўловчи» шеърда «ишқ» тушунчасини чуқурроқ таҳлилдан ўтказади:

...و عشق، تنها عشق

تو را به گرمی يك سيب می كند مأ نوس.

و عشق، تنها عشق

مرا به وسعت اندوه زندگي ها بُرد،

مرا رساند به امكان يك پرندۀ شدن...

...و عشق

سفر به روشنی اهتر از خلوت اشياست.

و عشق،

صدای فاصله ها ست [2; 161 б.]

Ва Ишқ, фақат Ишқ

Сени олманинг иссиқлиги билан ошно этади.

Ва Ишқ, фақат Ишқ

Мени ҳаёт андуҳи кенгликлариға етаклади.

Менга бир қуш бўлиш имконини берди...

...Ва Ишқ

Ашёлар хилватининг ёруғлигига сафар қилиш-
дир.

Ва Ишқ,

Фосилалар садосидир.

Сипехрий шеърларида бот-бот учраб турадиган «олма» сўзи ҳам бадий рамз. С.Сипехрийнинг «олма»си бу «балоғат» – «етуклик» ва айни пайтда, «илоҳий ишқ»нинг поэтик тимсоли. Инсон фақат ишқ орқали комилликнинг иссиқ ҳароратига туйиши, «ҳаётнинг маҳзун кенгликлари»га чиқиши, эркин «қуш каби парвоз қилиш имконияти»га эга бўлиши мумкин. Чунки ишқ борлиқдаги ашёлар – нарсаларнинг «ёруғ хилвати», яъни моҳиятига «сафар қилишдир». Зотан, ишқ инсонлар, борлиқдаги барча мавжудотлар ўртасидаги узилишлар, масофалар ва оралиқларнинг садосидир. Икки томондаги кишилар ана шу фосилалар, яъни оралиқларнинг садоси орқали бир-бирини топади ва бир-бирига талпинади. Бу кичик шеърининг парчада ҳар бир мисра поэтик рамзга эга. Жумладан, «қуш» сайру сулук йўловчиси – «солик»нинг (Атторнинг «Мантқиқ ут-тайр»и ва Навоийнинг «Лисон ут-тайр»идаги «Қушлар» ҳам соликларнинг тимсолидир), «ашёлар хилватининг ёруғлиги» – «ҳақиқий моҳият» (субстанция), «фосилалар» инсон ва Худо ўртасидаги айрилиқнинг поэтик рамзи сифатида келтирилган.

Маърифат – Сухроб Сипехрий «Дўстнинг уйи» йўлидаги учинчи белгини «ер асотирининг мангу фаввораси», деб тавсифлайди. Йўловчи отлиққа йўлни кўрсатишда давом этар экан, «балоғат» (комиллик) кўчасидан ўтгач, «ёлғизлик гули» томонга бурилсан ва «гул»га икки қадам қолганда «ер асотирининг мангу фаввораси» пойида тўхтаб қолсан, дейди:

پس به سمت گل تنهایی می پیچی،

دو قدم مانده به گل،

پای قواره جا وید اساطیر زمین می مانی. [2; 259 б.]

Сўнг ёлғизлик гули томон бурилиб,

Ер юзининг абадий фавворасига,

Афсонага етгайсан.

«Ер асотири»дан мақсад «азалий ҳақиқат»дир. «Азалий ҳақиқат» эса Ҳаққа, яъни Яратганга тегишли сифат. Демак, шоир «ер асотири» тушунчаси орқали «азалий ҳақиқат»нинг поэтик тимсолини яратган. Мумтоз шеърятдан фарқли ўларок, шоир яратган янги поэтик тимсол шаклланиб, ривожла-

ниб бораверади ва натижада иккинчи поэтик тим-сол вужудга келади. «Ер асотиринанинг мангу фаввораси». Икки бадий рамзлар бирикмасидан ҳосил бўлган бу мураккаб поэтик тимсол бус-бутун ҳолда битта рамзий маънони ифода этади. «Ибтидо (бошланиш) асдорининг битмас-туганмас чашмаси», «Фавворадай отилиб чиқадиган бу битмас-туганмас чашма» инсон қалбида нур чироғини ёқиш учун қўлланиладиган йўлдир. Агар С.Сипехрийнинг ушбу таҳлил қилинаётган шеъридаги «йўловчи» тушунтириб бераётган «белгилар» (босқичлар) Атторнинг «Мантиқ ут-тайр»даги «водий»лари билан таққосланса, ҳаммаси ойдинлашади. Чунки Аттор навбатдаги (учинчи) «водий»ни «Маърифат», деб атайди:

Сўнг очилгайдир назарга бир улуг

Маърифат водийсиким, поёни йўқ [1; 305 б.].

Шундай экан, Сипехрийнинг «ер асотиринанинг мангу фаввораси»ни «маърифат» деб изоҳлаши асосли кўринади. Чунки «маърифат», яъни борлиқ ва Худони таниш ва идрок этиш неъмат ҳақиқатдан ҳам «битмас-туганмас чашма», «мангу фаввора». Зотан, «оришлар наздида ҳақиқий маърифат Худони танитмоқдир». Аттор ҳам «маърифат даражасига етган солиқ бутун борлиқда фақат ҳақнинг юзини кўради», дейди:

Ҳар не кўрса, рўйи Ҳақни кўргуси,

Зарра-зарра кўйи Ҳақни кўргуси. [1; 306 б.]

Тасаввуфга оид манбаларда Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар ҳадисларидан бирида:

«فَرَعَ دَقْفَ مَسْفَنَ قَرَعَ نَمَ» [22]

Яъни: «Нафсини таниган раббини ҳам танийди», дейилади.

Бу ҳадисни кўпинча «Кимки ўзини таниса, у парвардигорни ҳам танийди», маъносида изоҳлашади. С.Сипехрийнинг ҳам «маърифат» босқичи ва «Аллоҳ таолони маърифат этиш» ҳақидаги қарашлари ана шу формула асосида шаклланган. Чунки у ҳам мутлақ вужудни маърифат этиш (таниш)ни ўзидаги «ўзлик»ни топишдан бошлашга ҳаракат қилади. Шоирнинг «Сув одимининг садоси» тўпламидаги лирик қаҳрамоннинг ботин оламига сафари, бошқача айтганда, «ўзлиги»га саёҳати тасвирланади. Қаҳрамон «ўзлиги»га сафарга чиқиб, ўзининг уни қуршаб олган борлиқнинг ажралмас бир бўлаги эканини англайди ва яна сафарга отланади:

من به مهمانی دنیا رفتم:

من به دشت اندوه،

من به باغ عرفان،

من به ایوان چراغانی دانش رفتم.

رفتم از پله مذهب بالا. [2; 420 б.]

Мен дунёга кетдим, меҳмон бўлгани

Ғам-андуҳ даштига, ирфон боғига,

Билимнинг нурафшон айвонига бордим.

Мазҳаб зинасидан юксақроқ чиқдим.

«Ўзлик» сафаридан ирфон (маърифат) босқичига кўтарилган, билимнинг нурли айвонига етиб, дину мазҳабнинг доирасидан бепоён кенгликка чиққан инсон борлиқдаги ашёлар ва ҳодисаларнинг моҳиятини англаш (маърифат этиш) даражасига етади:

چیزهای دیدم در روی زمین:

کودکی دیدم، ماه را بو می کرد.

قفسی بی در دیدم که در آن، روشنی پر پر میزد.

نرد بانی که از آن، عشق می رفت به بام ملکوت.

من زنی را دیدم، نور در هاون می کوبید.

ظهر در صفره انان نان بود، سبزی بود، دوری شب نم بود،

کاسه داغ محبت بود.

من گدایی دیدم، در به در میرفت آواز چکاوک می خواست

و سپوری که به یک پوسته خریزه می بُرد نماز.

پره ای را دیدم، باد بادک می خورد.

من آلاعی دیدم، بُجه را می فهمید.

در چراگاه نصیحت گوی دیدم سیر. [2; 305 б.]

Ер юзида нарсаларни кўрдим:

Ойни ҳидлаётган гўдакни,

Ёруғлик типирчилаётган дарчасиз қафасни кўрдим.

Севгини малакут томига етказувчи нарвонни кўрдим.

Нурни ўғирда янчаётган аёлни кўрдим.

Уларнинг тушлик дастурхонида нон,

яшил лисопчада шудринг,

бир коса қайноқ сеvgи бор эди.

Мен уйма-уй юриб чаковак овозини истаган гадони

Ва биргина қовун пўчоқ учун ҳам намоз ўқиган фаррошни кўрдим.

Варрак ямлаётган қўзичоқни,

Бедани тушунадиган эшакни,

«Насиҳат» яйловида тўқ бир сигирни кўрдим.

Борлиқдаги ашё ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашга қаратилган бу сайру сулук жараёнида шоир «сўзлари биллурдан терилган китобни», «баҳордан ясалган қоғозни», «судан йироқ масжидни», «саволларига жавоб тополмай нумид ётган фақиҳни», «иншо юклаб олган хачирни», «панду масалнинг бўш саватини юклаб олган туяни», «тонналаб «ё, ҳу» юклаб олган орифни», «ёруғлик ташиётган поездни», «шаҳват гулхонасига борадиган зиналарни», «қизил гулнинг бузилиш қонунига олиб борадиган» ва «ҳаётнинг риёзий идрокига, ишроқ томига борадиган зиналарни»... кўради.

«Ўзлик»дан «борлиқ»гача бўлган сафар жараёнида борлиқ ичида кечаётган ҳаракатлар, ўзгаришлар ва жараёнларни маърифат этиш, яъни англаш, идрок этиш босқичи бошланади. Бу босқичда лирик қаҳрамон – маърифатли шахс борлиқдаги барча нарса ва ашёларда юз берадиган ҳодисалар,

яъни ҳаракат ва ўзгариш жараёнининг асосий сабаби мукамалликка эришишга қаратилган ички «сайр» эканини англаб етади:

سفر دانه به گل.
سفر پیچک این خانه به آب خانه.
سفر ماه به خوض
فوران گل حسرت از خاک.
ریزش ناک جوان از دیوار.
بارش شبنم روی پل خوان.
پرسش شادی از خندق مرگ.
گز رحاد نه از پشت کلام... [2; 284 б.]

Уруғнинг гулгача бўлган сафари.

Печакгулнинг хонадан хонага бўлган сафари.

Ойнинг ҳовуздаги сафари.

Ҳасрат гулининг тупроқдан бош кўтариши.

Ток ниҳолининг девордан қуйилиши.

Уйқу кўприги устига шудрингнинг ёғилиши.

Ўлим хандақидан шодликнинг учиб кетиши.

Сўздан сўнг ҳодисанинг юз бериши...

«Ирфон зинаси»га кўтарилган ориф борлиқ ва ундаги нарсаларнинг моҳиятини кашф этиб борар экан, шундай хулоса чиқаради: Ҳақиқатнинг моҳиятини маърифат этишдан олдин борлиқ ва ҳаётдаги нарсаларнинг маъно-моҳиятини англаш лозим. Аммо барибир, асл моҳият – Яратганни маърифат этиш инсоннинг қўлидан келмайди. Сипехрий калом ва ирфон фалсафасининг асосий баҳс мавзуларидан бири бўлмиш «Олий Зотни маърифат этиш» масаласини «қизил гулнинг сири» деб атар экан, бу «сир»ни «таништириш»ни эмас, балки унинг «жоду»сида, яъни сифатлари – борлиқдаги ашқ ва ҳодисаларнинг моҳиятида «сузиш»ни маслаҳат беради:

کار ما نیست شناسایی «راز» گل سرخ
کار ما شاید این است
که در افسون گل سرخ شناور باشیم. [2; 289 б.]

Қизил гулнинг «сири»ни таништириш бизнинг ишимиз эмас.

Бизнинг ишимиз балки

Қизил гулнинг «жоду»сида сузувчи бўлишидир.

Истиғно – Сипехрийнинг «йўловчи»си «дўстнинг уйи» йўлидаги тўртинчи белгини «гули танҳойи», яъни «ёлғизлик гули» деб атайди. «Йўловчи»нинг тавсифига қараганда, «ёлғизлик гули» «ер асотирининг мангу фаввораси»дан «икки кадам» нарироқ жойлашган:

پس به سمت گل تنهایی می پیچی
دو قدم مانده به گل

پای فواره جاوید اساطیر زمین می مانی. [2; 359 б.]

Сўнг ёлғизлик гули томон бурилиб,

Ер юзининг абадий фавворасига,

Афсонага етгайсан.

Юқорида «мангу фаввора» «маърифат»нинг поэтик тимсоли сифатида талқин қилингани ҳи-

собга олинса, «ёлғизлик гули» кейинги ирфоний босқич – «истиғно»нинг поэтик тимсоли бўлиб чиқади. Зоҳиран қараганда, «ёлғизлик гули» ибораси ва «истиғно» истилоҳи ўртасида ҳеч қандай маъно мутаносиблиги йўқдай кўринади. Аммо улар ўртасидаги мутаносиблик луғавий ва мажозий маъноларнинг уйғунлашувида намоён бўлади: «ёлғизлик», яъни «танҳолик» тангрининг ягоналигига ишора бўлса, бирлик формасида келтирилган «гул» сўзи ягона зотнинг бирлигини билдиради. «Истиғно» сўзи эса «ҳақнинг бандаларга бениёзлиги», муҳтож эмаслиги маъносини англатади [9; 441 б.]. Ҳақнинг бандаларга бениёзлиги эса унинг «аҳад», «самад» ва «қодир» каби сифатларида зоҳир бўлади. «Истиғно» истилоҳини орифларнинг маънавий аҳволи билан боғлаб изоҳлаганда, «Ҳақдан ўзга олдида бениёзлик (муҳтож эмаслик) ва Ҳақ олдида муҳтожлик» маъноси ҳосил бўлади.

Шайх Атор ва Румий ижоди билан яқиндан таниш бўлган С.Сипехрий «истиғно» – «орифнинг Ҳақ олдида муҳтожлиги ва халқ олдида муҳтожсизлиги» тушунчаси ҳақида яхшигина тасаввурга эга бўлганлиги табиий ҳол, албатта. «Мантиқ ут-тайр»нинг тўртинчи водийсининг номи билан аталган бу сўз С.Сипехрийнинг йирик асари – «Сув одимининг садоси» шеърида ҳам айнан шу маънода ишлатилган.

رفتم از پلّه مذهب بالا
تا ته کوچه شک،
تا هوای خنک استغنا

تا شب خیس محبت رفتم. [2; 286 б.]

Мазҳаб зинасидан юксакроқ чиқдим.

То шак-шубҳа кўчасин тагига,

Истиғнонинг салқин ҳавосигача,

Севгининг шалаббо оқшомигача бордим...

Атор бешинчи водийни *Тавҳид* водийси деб атаган. С.Сипехрийнинг «йўловчи»си ҳам «отлик»қа бешинчи белгини кўрсатади:

و تورا ترسی شفاف فرامی گیرد.

در صمیمیت سیال فضا، خشى خشى می شنوی

Ва сени шаффоф бир қўрқув босади.

Фазонинг самимий оқимларида

Қулогингга чалинади бир «хиш-хиш». [3; 162 б.]

«Тавҳид» луғатда «бир» демоқ ва «бир» деб билмоқдир. «Тавҳид» имонда шарт бўлган бузилмас қонуният ва муҳим эътиқодий зарурият саналади. «Тавҳид» «маърифат»нинг ибтидоси ҳисобланади [9; 340 б.]. Сипехрий Аллоҳнинг бирлиги, яъни «тавҳид» тушунчасининг янги поэтик тимсолини яратган. Шоир бу янги моҳиятни «фазонинг самимий оқимлари» деб атайди. Бу поэтик тимсолнинг «тавҳид» тушунчаси билан маъно ёки мантиқ жиҳатдан қандай алоқаси борлигини аниқлаш, изоҳлаш мураккаб масала. Чунки у фақат

Сипехрийга хос бўлган шоирона мавҳум тасаввур ва тахайюлнинг маҳсули. Фақат шуниси маълумки, шоир «тавҳид» тушунчасини ифодалаш учун ўзига ёққан гўзал бир тасвирни топган. Оламнинг космик воқелигини, галактикалар кенглигини интеллектуал идрок этган одам фазо тушунчасининг нақадар кенг ва худудсиз эканлиги ҳам англаб етади. Шу нуқтаи назардан «фазонинг самимий кенгликлари» - Яратган қудратининг чексизлиги, беҳудудлиги, шу билан бирга худди мана шу кенглик доирасидагина Яратган моддий ва маънавий мазмунининг яхлитлиги мавжуд бўла олиши мумкинлигига ишорадир. Сипехрий баъзи бир шеърларида «тавҳид» тушунчасини яққолроқ ифодалаб берган. Масалан, «То» номли шеърида «бирликнинг замон ва макон узра соя солиб тургани»ни таъкидлайди.

С.Сипехрий – «тавҳид» шоири, у «тавҳид»ни қабул қилган, англаган, уни тараннум этган ва тарғиб этишга ўз хизматини қўшган ижод эгасидир. «Тавҳид» диний, этик, эстетик, интеллектуал, ҳиссий ва мистик категория сифатида шоир поэтик тафаккурида жуда мўътабар ўрин эгаллаб, шоирнинг борлиқ ва мана шу борлиқдаги инсон ва Худо мувозанатини маълум тизимга солиб, «яхлитлик», «ягона узвийлик», «ўзаро боғлиқлик» фалсафасининг замонавий талқинини яратишга хизмат қилган. Шу боис «тавҳид» шоир ижодий мероси ва дунёқарашида асосий ўрин тутадиган мавзулардан биридир.

«Мантиқ ут-тайр»даги олтинчи водий *Ҳайрат* водийси деб аталади. Агтор бу водийда «дард ва ҳасрат сени чулғаб олади. Бу ерда ҳар нафас бир тигдай санчилади, ҳар дамда юз пушаймонлик юз беради... Бунда солиқ ғаму андух олови ичида қолади, дард ичра тахайюлда ўртанади. Солиқ қандай қилиб манзилга етишни ўйлаб ҳайрону паришон бўлади, тахайюл ичра йўлини йўқотади. Ҳайрат йўлида мавҳумот бўлиб, ўзини йўқотади, ўзининг борлигини ҳам, коинотни, дунёни ҳам йўқотади...» [10; 194 б.] – деб тасвирлайди.

Сипехрийнинг «йўловчи»си эса «дўстнинг уйи» йўлидаги олтинчи белгини «қарағай устидаги бола» деб атайди:

کودکی می بینی

رفته از کاج بلندی بالا، جوجه بر دارد از لانه نور.

359 6.]

Баланд бир қарағай устига чиқиб

Нур тўла уядан жўжа олаётган

болакайни қўргайсан [3; 162 б.].

«Ҳайрат» ва «болалик» ўртасида маъно жиҳатдан яқинлик бор. Мантиқан, «ҳайрат» «болалик»ка хос ҳиссиёт. Зеро, болалик даври ҳайрат олами, дунёдаги нарса ва ашёларни ҳайрат кўзи билан кўриб, кашф этиш даври. Шунинг учун ҳам шоир «баланд

қарағай устига чиққан бола»ни «ҳайрат» мақоми-нинг поэтик тимсоли сифатида танлаган.

Ислом дини доирасида шаклланган ирфонда ҳар бир масала, ҳар бир маънавий босқич «риёзат», «дард ва ҳасрат», «қайғу ва алам», «ҳижрон ва айрилиқ» каби изтиробли ва қайноқ ҳиссиётлар билан бирга изоҳланади. Аммо инсонни гўзаллик оғушида англаган, табиатдаги бирон-бир жонзотга ёмонликни раво кўрмайдиган С.Сипехрий учун бундай сўзларни тилга олишнинг ўзи оғир ва машаққатли туюлади. Шунинг учун ҳам шоир ўзининг ирфоний шеърларида оптимистик руҳдаги сўзлар, иборалар ва тимсолларни қўллаш маъқул топади. Шу нуқтаи назардан Сипехрий ирфоний «ҳайрат»ни табиий ва психологик «ҳайрат» билан омикталаштирган ҳолда талқин этади. Сипехрий нигоҳида «ҳайрат» ва «болалик» муштарак маънога эга тушунчалардир. У «болалик» тушунчаси орқали «ҳайрат»нинг мистик маъносини очиб беради. Жумладан, унинг «Яшил ҳажм» тўпламидан жой олган «Денгизлар ортида» номли шеърида тасвирланадиган идеал шаҳарнинг мистик қиёфаси қуйидагича гавдаланади:

پشت دریا ها شهری است

که در آن پنجره ها رو به تجلی باز است.

بام ها جای کبوتر هایی است، که به فواره هوش بشری می

نگرند.

دست هرکودک ده ساله شهر، شاخه معرفتی است.

مردم شهر به یک چینه چنان می نگرند

که به یک شعله، به یک خواب لطی

Денгизлар ортида бор ёлғиз шаҳар

Бир шаҳарки, деразалари

тажаллий томонга очилган.

Томларига башар ақлининг

фавворадек отилишига

қараётган кабутарлар ин қурган.

Бу шаҳарнинг ўн ёшдаги ҳар бир гўдаги

*қўлларида маърифатнинг шохчалари ҳилти-
рап.*

Бу шаҳарнинг аҳолиси ҳар бир бошоққа

Бир шуълага қарагандек, гўзал бир тушдек

қараб ўтади [3; 170 б.].

Юқорида келтирилган шеърий парчадаги «тажаллий» томонга очилган «шаҳар» – Яратганга чуқур эътиқод қилиш белгиси, «башар ақлининг фавворадек отилиши» – қалблардаги эътиқод сеҳрининг шакллантирилиши ва намоён бўлиши рамзи, «кабутар» – эътиқодга хос тозаллик ва меҳр тимсоли, «гўдак», яъни бола – Яратган сеҳрини «ҳайрат» билан идрок этган инсон рамзи, «қўллардаги маърифат» – Яратганга етиш йўлидаги билим, ишонч, англаш жараёни, «бошоқ» – Яратганнинг дунёдаги ҳар мавжудотдаги инъикоси рамзи, «шуъла» – Яратган нури, «туш» – йўловчи интилаётган манзил мазмунини англатади. Мана шу «ўзликни

илохий англаш» жараёнида айнан бола тимсоли орқали Яратганнинг мавжудлигини «хайрат» кўзи билан кўришдаги ишончга бўлган кучли эҳтирос жамланади. «Хайрат» Яратганни билиш йўлидаги йўлнинг ажралмас таркибий қисми ва узвий бирлиги сифатида талқин қилинади.

Ковус Ҳасанли Сипехрий шеърларидаги болалик даврига оид мотивларни Фурўғ Фаррухзод шеърларидаги болалик даври тасвирлари билан таққослар экан, «Сипехрий болалик даврини тасвирлашда табиат ва ҳаётдаги вазият билан алоқа ўрнатади. Шу жиҳатдан ҳам кўпроқ Фурўғ Фаррухзодга ўхшайди», – дейди [11; 324 б.]. Аммо Сипехрийнинг болалик даври мотивлари оддий ҳаёт ва атрофдаги табиат тасвири билан уйғунлик касб этишдан ташқари, ирфоний поэтик тимсол вазифасини ҳам бажаргани тадқиқотчининг диққат марказидан четда қолган. Шундай қилиб, ирфоний тафаккурдаги «хайрат» категорияси С.Сипехрий шеърлятида мистик ғоялар талқини учун қайта, янги мазмунда шакллантирилади ва бола образи орқали тараннум этилади.

Фақру фано тасаввуф таълимотида аслида икки алоҳида ва мустақил тушунчалар ҳисобланади. Жумладан, йирик мутасаввиф олимлардан бири Абу Наср Саррож [12; 181 б.] ўзининг «Ал-Лумаъ» номли асарида тасаввуф тариқатидаги маънавий босқичлар – мақомотни таснифлаб, уларнинг ҳар бири тўғрисида тўхталиб ўтар экан, «фақр»ни «тавба», «вараъ» ва «зухд» мақомотларидан сўнг тўртинчи мақом сифатида келтиради [12; 201 б.]. «Фақр» сўзининг луғавий маъноси «муҳтожлик» ва «қашшоқлик»дир. Суфийлар истилоҳида эса «Худо олдида ниёзманд (муҳтож) бўлмоқ ва ундан ўзгага бениёзлик (муҳтож бўлмаслик)» маъносини билдиради. Демак, «фақр» истилоҳий маъно жиҳатидан «Мантик ут-тайр»даги тўртинчи водий «Истиғно» билан яқин экан. Аммо Аттор «фақр»ни «фано» билан қўшиб, охириги водий сифатида келтиради. Аттор бу водийга етганда «юз минг сояни куёш йўқ қилгандай, инсонга соя ташловчи феъл-атвор, иллатлар ҳам йўқолади. Бу борлик денгизида фикр-ўйлар мавжланади, денгизда нақшлар йўқолса, фақр ва фано денгизида бу нақшлар (яхши фазилатлар) доимий қолади. Фақр ва фано денгизида ҳар икки оламнинг нақши бор», деб тавсифлайди [14].

«Фано» луғатда «йўқлик» маъносини билдиради. Сўфийлар истилоҳида «фано» «инсоннинг ўзи ва ўз бандалигини Ҳақ (Аллоҳ таоло) олдида «йўқ» деб билиши, ўзидаги хоҳиш-истаклардан воз кечиб, дунё ва дунёдаги нарсаларни Ҳақ баробарида «ҳеч нарса» деб билишини англатади. Сипехрий «Манзил» шеърида фақат «фано» тушунчасига таянади. «Йўловчи» «отлик»қа «дўст уйи»нинг сўнгги белгисини қуйидагича изоҳлаб беради:

کودکی صبی بینی
رفته از کاج بلندی بالا،

حوجه بر دارد از لانه نور [2; 359 б.]

Баланд бир қарагай устига чиқиб

Нур уясидан жўжа олаётган

болакайни кўргайсан [3; 162 б.]

Кўриниб турганидек, бу ерда Сипехрий сўнгги белги – сўнгги манзилни «йўқлик»қа тенглаштирмайди. Шоирнинг ҳаётсеварлик ҳисси устун келади. Сипехрийнинг жўшқин нигоҳи нарсаларни гўзалликда, гўзалликни эса нарсаларда кўришга одатланган. Шунинг учун ҳам у «фано» тушунчасининг мутлақо янги поэтик мазмунини яратади. «Нур уяси» «фано» мажмуидир. «Фано»га боғланган тарзда «нур уяси» – илохий қудрат ва ҳаёт маъзини ўзида жамлаган сўнгги манзилдир. Сипехрий шеърлярида «нур» сўзи билан ясалган изофали ташбеҳлар оз эмас. Жумладан, унинг «Тушлар ҳаёти» тўпламидаги «Гул-и қоши» номли шеърида «борон-и нур» (нур ёмғири) тушунчаси қўлланилган. Аммо «нур» сўзи билан ясалган изофали ташбеҳларнинг ҳаммасини ҳам «фано» тушунчасининг поэтик тимсоли деб бўлмайди. «Манзил» шеърида эса бу ҳолатни истисно этиш лозим бўлади.

Умуман олганда, «фано» тушунчаси Сипехрийнинг руҳияти ва табиатига анча мос тушунча. Унинг «Ғамнинг шарқи» тўпламидаги шеърларнинг аксарият қисмини фано руҳияти билан суғорилган шеърлар ташкил этади. Бундай шеърлар жумласига «Ҳой», «Шакпўй», «Ўтиш жойи», «Тугёнимга», «Bodhi», «То», «Ва синдим, югурдим, йиқилдим» номли шеърларини киритиш мумкин. Шоир «Ҳой» номли шеърида «Мен ҳечман» деган бўлса, «Шакпўй» номли шеърида «Мен кетдим, «У» келди, «У» келди», – дейди [6; 112 б.]. Сипехрийнинг «Ўтиш жойи» номли шеърида эса Румийга хос бўлган [6; 114 б.] «фано» куйланган:

نه تو می پایی، و نه من، دیده تر بگشا مرگ آمد. در بگشا. [2; 267 б.]

На сен қоласан, на мен, ёшга тўлган кўзинг оч.

Ўлим келди, эшик оч.

Баъзи бир шеърларда Сипехрий тимсоллар ва рамзлар тили билан сўзлашишдан воз кечиб, ирфоний истилоҳларнинг анъанавий мазмунига мурожаат этади. Жумладан, «фано» истилоҳи ҳам унинг «Тугёнимга» шеърида ўз луғавий ва ирфоний маъносида ишлатилади:

من شازم: بندی آوازم بر گیرم، بنوازم بر تارم زخمه «لا» می

زن

راه فنا می زن. [2; 195 б.]

Мен созман, овозга ҳамрозман, эринмай олгин, олгину чалгин.

Торимга «ло» чертгин, фанонинг йўлин тутгин. [3; 177 б.]

Зохиран қараганда, «ло» мусика нотасидаги биринчи парда «до» билан ҳамоханг сўз. Аммо у торнинг нафақат биринчи пардаси, балки сўнги пардаси ҳамдир. Шоир учун ибтидо билан интиҳо ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Чунки иккови ҳам «ло», яъни «йўклик»дир. «Йўклик» эса яна «фано»нинг айнан ўзини англатади. Баъзида Сипехрийнинг «фано»си тасаввуф таълимотидаги «фано» доирасидан чиқиб, буддавийликдаги фано – «нирвана» тушунчаси билан қўшилиб кетади:

انى بود، درها و ا شده بود.

برگى نه، شاخى نه، باغ فنا پيدا شده بود.

Бир он эди, эшиклар очилган эди.

На бир барг, на бир шох, фано боги кўринар эди.

Атторда кушларнинг етти водий оша саёҳати «фақру фано» водийси билан ниҳоясига етади. Аммо Сипехрийнинг «йўловчи»си, яъни «Худху-д»и «отлик»қа бир оз бошқача кўрсатма беради: «Баланд қарағай устига чиқиб «нур уяси»дан олаётган болани кўргач, ундан сўрайсан: Дўст уйи қайда?»:

و از او مى پرسى

خانه دوست کجا ست؟ [2; 359 б.]

Ва ундан сўргайсан

«Дўст уйи қайда?»

Демак, Сипехрийнинг «дўст уйи»ни топишдаги изланишлари Аттордан фаркли ўларок, «фано» босқичи билан якун топмайди, балки бу босқичга етгандан сўнг «дўст уйи» – Ҳақиқат манзилини топиш сари қилинган сайру сафар яна бошидан бошланади. Чунки қайта «дўст уйи қайда?» саволи қўйилади. Яратган мазмуни ва моҳиятини англаш жараёни яна айланма шаклда давом этаверади. Бошқача айтганда, ҳақиқатни топиш йўлидаги бу сайру сафар ҳар гал ниҳоясига етай деб турганда, яна янги шаклда бошдан бошланади. Шу билан бирга, С.Сипехрийнинг «дўст уйи қайда?» деб риторик поэтик саволи нафақат манзумадаги лирик қаҳрамонга қаратилган савол, балки кўпроқ тарзда ўқувчи, яъни китобхон, ўз ҳаётида С.Сипехрий ижоди билан тўқнашиб, яшаш мазмуни борасида ўзига ҳам савол ташлаётган инсонга қаратилган саволдир. Яъни, ўқувчи ҳам «дўст уйи қайда» лиги ўзи учун қидириши, унинг билиши лозимлигига ишорадир. Демак, «дўст уйи қайда» саволи уч кимсага қарата таъкидланади. Аввал бошида ижодкорнинг ўзи мазкур саволни ўзи олдида қўяди. Сўнг асар қаҳрамони олдида бу савол кўндаланг қўйилади. Охирида китобдан мазкур саволни ўзи учун ҳал этишга мажбур бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Сухроб Сипехрий ижоди янги ирфоний поэтик тимсоллар яратилиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Шоир анъанавий

поэтик ирфоний тушунчаларга янги маъно берган, уларни янги мазмунда қайта шакллантирган, шунингдек, тамомила янги тафаккур остида мистик ғояларни талқин қилишга ўрганган кашфиётчи шоирдир. Шунинг учун бўлса керак, Сирус Шамисо «Сипехрий – тушунилиши кийин бўлган шоирдир. Унинг чуқур ирфоний тафаккурга эга эканлиги туфайли ижодкор бадиияти дунёсига кириб бориш осон иш эмас», – деган хулоса чиқаради.[5-315] Сипехрий яратган поэтик тимсоллар мазмунини англаш, шоир ирфоний дунёқарабини чуқурроқ ўрганиш мазкур масалаларга доир маҳсул тадқиқотларнинг ўтказилишини талаб қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шайх Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Т.: Фан, 2006.
2. سهراب سپهرى. هشت کتاب
3. Туйғулар япроғи: ҳозирги замон Эрон шеърияти. «Манзил» шеъри Жафар Муҳаммад таржимаси.
4. سيد جعفر سجادی. فرهنگ اصطلاحات و تعبيرات عرفانی. تهران: انتشارات طهورى، ۱۳۷۵
5. Сирус Шамисо бу шеърни қисқача таҳлил қилар экан, «кўچه бағ»ни «ишк» (иккинчи мақом)нинг рамзий маъноси, деб ҳисоблайди. Натижада шеърда мавжуд бўлган «балоғат» ёхуд «комиллик» кўчаси эътибордан четда қолиб кетади. Қаранг: سيروس شمسىا. نگاهى سهراب
6. کاميار عابدى. زندگى و شعر سهراب سپهرى. تهران: نشر ثالث، ۱۳۷۹
7. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. –Т.: Фан, 2005.
8. Умуман С.Сипехрий ижодини назарда тутганда шундай, аммо «Сув одими садоси» лирик достони бундан мустасно. Чунки эронлик адиб ва олим Карим Имомийнинг аниқлашича, мазкур шеърда тўққиз марта «ишк» сўзи ишлатилган. Бу ҳақида қаранг: محمد حقوقى، سهراب سپهرى
9. احمد على رجائى بخارا ئى. فرهنگ اشعار حافظ. تهران: انتشارات علمى، ۱۳۷۰
10. Фаридиддин Аттор. Мантиқ ут-тайр. Насрий баён муаллифлари Нажмиддин Комилов ва Маҳкам Маҳмудов. – Т.: F.Ғулом, 2006.
11. Қаранг: کاووس حسنى. گونه هاى نوآورى در شعر معاصر ايران، ص ۳۲۴
12. Abu Nasr ‘Abdallah B. ‘Ali al-Sarraj al-Tusi, Kitah al-Luma’ fi’l. Tasavvuf (Самое блистательное в суфизме). Под ред. Reynold Alleyne Nicholson (London, 1914. репринтное изд., London, Luzac & Co., 1964). P. 181-201.
13. در: قاسم غنى. تاريخ تصوف در اسلام. جلد دوم. تهران: انتشارات ابن سینا، ۱۳۳۰ ه. ش. ص ۲۱۰
14. Румий «ўлим»ни мажозий маънода – «фано» маъносида қўллаб, «То ўлмасанг, кутулмайсан», – деган. Деди ул: тинглар сўзингни ому хос, Менга ўхшаб ўлки, топгайсан халос. (Маснавий, 1-ж., 1842-байт).